

### **Чикаго Университетининг афзалликлари**

1979 йилдан буён 13 та профессорга буюк илмий изланишлари учун Нобел мукофоти берилган. Жами бўлиб 87 та талаба, тадқиқотчи ва профессорлар илмий изланишлари учун тақдирланганлар. Шу сабабдан, бу ерда талабалар энг машхур шахслар билан ўқиш имкониятига эга бўлади.

Чикагода бир неча ажойиб кашфиётлар қилинган. Масалан, 1931 йилда Субраманян Чандрасекар қора туйнук мавжудлигини исботлаб берган. Жанет Роулий 1970 йилларда саратон касаллиги ота-онадан фарзандга ўтишлигини исботлаб берган. Ундан ташқари, Джеймс Уотсон 1953 йилда ДНК структурасини кашф қилган.

### **Университет ресурслари**

Чикаго Университетида ҳар хил талаба мавжуд. Шу сабабдан, университетда юзлаб тўғарақлар фаолият юргизади. Улардан, бештачи талабаларнинг ҳаётини яхшиланиш учун мўлжалланган. Шу сабабдан айтиш мумкинки, университетнинг “кўп маданиятли”, “гомосексуал талабанинг ҳаёти”, “диний ҳаёт”, “ҳалқаро бўлим”, ва “қобилиятсиз талабалар” каби бўлимлари талабаларга кўмак беради. Ундан ташқари, университетда олти кутубхона мавжуд. Кутубхоналарда миллионлаб китоблар, журналлар, ва бошқа манбалардан фойдаланиш мумкин. Кутубхоналарда одатда тарихий кўрғазмалар ҳам намойиш қилиниб турилади.

Бошқа маълумотлар учун: <http://diversity.uchicago.edu/resources/>

### **Университет ва талабаларнинг ҳаёти ҳақида**

1890 йилда Америка Баптист Ассоциацияси, Джон Рокфеллер ва Маршалл Филдлар Чикаго Университетини очишган. Ҳаммани тинчлик ва тенгликда бирга ўқисин деб, аёллар ва эркекларни дунёвий муҳит билан таъминлаган. 1910 йилда лотин тилидаги янги шиор қўлланилган. Бу, “Чресчат Счиентиа, Вита Ехчолатур” шиори бўлиб, “Ҳаёт равнақи учун билимни ривожлантиринг” деганидир. Ҳозирги вақтда, Чикаго Университетида 15 минг талаба ўқийди. Университетда ҳар қандай фанни ўрганиш имконияти мавжуд.

Чикаго Университети Гарвард, Принстон ва Йел каби университетлар қаторида туради. Шу сабабли бўлса керак, университетнинг стандартлари жуда баланд ва талабалар кўп ўқиб, изланишади. Шунинг учун ҳам жиддий академик муҳит туфайли талабаларнинг орасида янгиюмор вужудга келган. Бу “Хурсандчилик Чикаго Университетига ўлгани келади” деган янги (норасмий) шиоридир. Шунга қарамай, талабалар одатда ҳафта охирида бирга кинотеатрга ёки барларга боришади. Демак, талабалар вақтларини кўнгилли ўтказишади. 1910 йилдан буён университет жойлашган Ҳайд Парк кичик шаҳардан катта шаҳарга айланди. Ҳозир Ҳайд Паркда кўп ресторанлар, барлар ва музейлар мавжуд. Университет Чикаго шаҳар марказига ҳам жуда яқин. Университетининг ёнида бир неча метро бекати мавжуд бўлиб, метро орқали шаҳар марказига 10-15 дақиқали йўл.